



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 27 февраль, № 40 (9211)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУРХОНДАРЁ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш учун Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари амалий сафарини анъанага кўра, Ҳақим Термизий мақбараси зиёратидан бошлади. Қуръон тиловат этилиб, халқимизга, юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб, дуо қилинди.

Уламолар билан бўлиб ўтган суҳбатда ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Ҳақим Термизийнинг маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ҳамда юрдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, муқаддас динимизнинг эзгулик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби буюк фазилатлари, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Кейинги йилларда таъмирланиб, янада обод ва гўзал мажмуага айланган ушбу табаррук масканда зиёратчилар учун барча шароит яратилди. Атроф ободонлаштирилиб, макбарада ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Замонавий ёриткичлар, иситиш ва совитиш тизимлари ўрнатилди. Мажмуада микроклим яратиш учун тўрт мингдан ортиқ 40 турдаги кўп йиллик манзарали дарактлар, 20 мингдан зиёд мавсумий анвоий гуллар экилган.

Ислом илмларининг тафсири, ҳадис, фикҳ, калом, ислом фалсафаси, тасавуф тарихи, тасавуфий қарашлар каби соҳаларида кўплаб асар ёзган

мутафаккир мажмуасини обод қилиш, зиёратчилар учун қулайликларни кенгайтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Термиз туманидаги "Томорқа мактаби"га ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб сув ҳўжалигида маҳаллийлаштирилган техника ва ускуналар тақдимоти билан танишди.

Сув тежаш технологиялари ва замонавий ирригация тизимларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш орқали харажатларни камайтириш, клим ўзгариши шароитида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фермер ва аҳолининг талабини тезкор таъминлаш мумкинлиги таъкидланди.

Президентимиз бу йўналишга янада кўпроқ эътибор қаратиш, бунда илмий ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини қайд этди.

"Томорқа мактаби" аҳолини ўз томорқаларидан самарали фойдаланиш, сердаромад экан турларини жорий этиш, маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклашнинг замонавий усулларини ўргатишга иxtисослашган. Муассаса банкларнинг молиявий кўмагида фаолият юритмоқда.

Энг муҳими, бу ерда ишсиз ва кам таъминланган оилаларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашилади. Мазкур жараёнда деҳқончиликнинг илмий асослари, юқори даромадли маҳсулот этишти-

риш технологиялари ва замонавий томорқачилик усуллари амалий равишда ўргатилмоқда.

Иновацион мактаб Термиз, Музработ, Қизирқ, Бандихон, Ангор ва Жарқўрғон туманларини қамраб олган бўлиб, унинг таркибига ўқув биноси, уч гектар иссиқхона ҳамда уч гектар ўқув-тажриба майдони мавжуд.

Иссиқхонада Сурхондарё шароитига мослаштирилган банан, папайя, розмарин, лаванда, лимон, анжир, брокколи, булғор қалампир ва бошқа экинлар этиштирилмоқда. Шунингдек, кўчатчилик ва гулчилик йўлга қўйилган, томчилатиб сугориш тизими жорий этилган.

Мактабда Сурхондарё шароитида бир йилда уч марта ҳосил олиш амалиёти ўқитилмоқда. Ўқув жараёнига олимлар, мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар жалб этилган.

Шу пайтга қадар 1300 га яқин ишсиз ва камбағал оила аъзоси махсус курсларни тугатиб, ўз томорқаси ёки ижара ерларидан самарали фойдаланиш орқали ўзини ўзи банд қилган. Ҳоким ёрдамчилари ҳар ойда 220 нафардан, йилига 2700 нафаргача томорқа ва ижара ер эгаларини ўқушга йўналтирилмоқда. Тингловчилар учун йўланма ёки ваучер тизими орқали ўқиш харажатлари қоплаб берилади.

Курсда қатнашувчиларга юқори даромадли кинлар экиш ва бир сотиқ ердан ўртача 10-15 миллион сўм даромад олиш методикаси амалиётда кўрсатилди. "Агростар" компаниялари эса тингловчиларни уруғ ва қўчат-

лар билан таъминлаб, этиштирилган маҳсулотларни харид қилишни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари мактабда томорқадан уч марта ҳосил олиш амалиёти, саноатлашган боғлар ва сув тежовчи технологиялар тақдимоти билан танишди. Мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан мулоқот қилиб, қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратиш, ҳудуд учун янги бўлган ўсимликлар, шу жумладан, цитрус ва тропик мевалар этиштиришни ўзлаштириш мумкинлигини таъкидлади.

Яратиб берилаётган имкониятлардан, ажратилаётган маблағлардан оқилона фойдаланаётган воҳада аҳолининг тўқин, фаровон яшашига янги-янги ғоялар асосида ёндашилаётгани одамларнинг даромадини ошириб, ҳудудларнинг камбағаллик даражасини пасайтирмоқда. Жумладан, бундан икки йил аввал вилоятнинг камбағаллик даражаси 10,5 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил якуни билан бу кўрсаткич 4,5 фоизга тушди. Бу йил воҳанинг камбағаллик даражасини 2,8 фоизга тушириш мўлжалланаётган.

Шундан сўн Президент Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида "Тўпаланш" сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасининг амалий натижаларини кўздан кечирди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сув ҳўжалиги тизимини ислоҳ қилиш, ирригация инфратузилмасини янгилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида тизимли бажарилмоқда.

Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган ушбу 287 миллион долларлик мегалойиҳа ҳам соҳада эришилаётган натижалардан бири саналади.

Мазкур ташаббус доирасида ўтган йиллар давомида катта ҳажмдаги қурилиш, монтаж ишлари амалга оширилди. Замонавий механизмларнинг йўлга қўйилиши натижасида бугун минералларга бой ичимлик суви вилоятнинг ўн та тумани ва Термиз шаҳрига узлуксиз етказиб бериляпти.

Сурхондарёда маркашланган ичимлик суви билан қамров саккиз-тўққиз йил олдин 47 фоиз эди. Бугун ушбу рақам 67,5 фоизгача ошишига эришилди. Натижада аҳолининг сув таъминотидаги ҳолати нафақат микдор, балки сифат жиҳатдан ҳам сезиларли яхшиланди.

Президент бу каби йирик энергетик, технологик ва ижтимоий самардор лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳар жиҳатдан зарурлигини таъкидлади. Бундай тажрибаларни келгусида мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам қўллаш мумкинлигига эътибор қаратилади.

Техник жиҳатдан лойиҳанинг катта ютуғи 246 километр магистрал ва ички тармоқнинг барпо этилиши бўлди. Муҳими, гидравлик ҳисоблар асосида босимни насоссиз узатиш имконияти яратилди. Бу нафақат энергия сарфини кескин камайтиради, балки тизимнинг барқарорлигини таъминлайди. Айнан шу инновацион ёндашув туфайли Термиз шаҳри, Ангор, Бандихон, Қизирқ, Шеробод ва Музработ каби туман марказларига сув электр энергия сарфисиз етказиб бериляпти.

Мазкур ташаббус ортдан бугунги кунда 223 та маҳаллада обихаёт таъминоти мустаҳкамланди. Сувнинг қаттиқлик даражаси эса икки бараваргача камайтирилди. Сифатнинг ортши аҳоли саломатлиги ва маънавий жиҳозлар хизмат мuddати узайишида муҳим омил ҳисобланади.

"Шимоллий" сув ишлаб чиқариш иншоотида ташкил этилган геоахборот маркази эса тизимнинг реал вақтда назорат қилинишига шароит яратди. Босим пастваши, авария ҳўлатлари, сув йўқотиш каби масалаларни бир неча дақиқада аниқлаш имконияти туғилди.

Сув таъминоти яхшиланиши сабабли ҳудудлардаги юздан ортиқ ер ости суви қудуқларидан фойдаланишга эҳтиёж қолмади. Бу экологик юкни камайтиради.

Шунингдек, лойиҳа натижасида йилига 18,4 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади. Бу маблағ ва ресурс жиҳатидан 18,5 миллиард сўм иқтисод қилинишини аниқлатади. Истеъмолчиларнинг биллинг тизимига уланиши эса суви ҳисоблашда шаффоликни оширди, қарздорликни камайтирди.

Яна бир муҳим жиҳати, бу ердаги 10 гектар майдонда 6418 киловатт-соат қувватдаги куёш панеллари ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоятнинг гидроэнергия кўрсаткичлари ҳамда соҳада амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар тақдимоти билан танишди. Вилоятда ҳали ечилмаган сув таъминоти масалаларини тезкор ҳал этиш бўйича вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, эски насос агрегатларини энергия тежамкор технологияларга алмаштириш, тармоқларни модернизация қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жарқўрғон туманида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массивини бориб кўрди. Мамлакатимизда аҳоли учун муносиб яшаш шароитларини яратиш, замонавий ва шинам турар жойлар барпо этиш ишлари изчил йўналишда давом эттирилди. Президентнинг 2021 йил 12 октябрдаги фармонида мувофиқ "Янги Ўзбекистон" массивини қурилиши ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган шундай лойиҳалардан бири Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида қад ростламоқда.

Чўл ҳудудини ўзлаштириш ҳисобига бунёд этилаётган массивнинг 50 гектардан 116 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган. Ҳозиргача поликлиника, 180 ўринли боғча, 330 ўринли мактаб ва маҳалла биноси фойдаланишга топширилиб, 68 та уйдаги 1,5 мингта хонадонга аҳоли кўчиб кирди.

Шунингдек, ахборот технологиялари ва инглиз тили ўқув маркази иш бошлаган, 7 та микромарказ ҳамда 5 та савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш объекти қурилган. Ичимлик суви, иссиқлик тармоқлари, 3 километрга яқин газ қувурли тортилиб, 250 киловаттлик трансформатор ўрнатилган. 4,5 гектар ерга манзарали ва мева-дарактлар, дашт ҳудудидаги 300 гектар майдонга эса саксовул ўсимликлари экилган.

Келгусида бу ерда яна 50 га яқин уй қурилиши кўзда тутилган. Хусусан, жорий йилда яна 14 та (280 хонадонли) кўп қаватли уй-жой, янги йўллар, истироҳат боғи қуриш ҳамда кўкчамзорлаштириш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда замонавий уй-жой қурилишига қаратилаётган юксак эътибор вилоятнинг урбанизация даражасини 35,6 фоиздан 36,2 фоизга ўштирди. Айни пайтда воҳадаги 1 минг 722 та кўп қаватли уйдаги 44 мингта хонадонда 160 мингдан ортиқ киши истиқомат қилиб келмоқда. 2018 йилгача вилоятда 1 минг 240 дан ортиқ кўп қаватли уй мавжуд эди. Кейинги 9 йилда 481 та осмонўпар турар жой биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Уй-жой фонди 603 мингтага етиб, аҳолининг турар жой билан таъминланганлик даражаси 69 фоизни ташкил этди. Жорий йил яна 9 минг 500 хонадонли 172 та кўп қаватли уй қад ростлайди.

Ташриф чоғида Президентимиз массив ҳудудида фаолият юритаётган "Янги ёшлар" бошқарув сервис компанияси иши билан танишди. Компания тумандаги 161 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади, шундан 54 таси мазкур массивда жойлашган. Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар томига 5 — 15 киловаттлик куёш панеллари ўрнатилган.

Инклюзив таълим ҳар бир боланинг, жисмоний ёки ақлий ҳолатидан қатъи назар, мактабга бориши ва сифатли таълим олишини таъминлашнинг назарда туталди.

Давлатимиз раҳбари массивдаги 66-мактабда яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ноғиронлиги бўлган болалар учун ташкил этилган имкониятлар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғани таваллуд куни билан самимий табриклади.

Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисига мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик, давлатчилик фаолиятида катта муваффақиятлар, қардош турк халқига тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади.

Президентлар, шунингдек, бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ойи билан бир-бирларини дилдан қутладилар.

Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини жорий йил январь ойида Анкара шаҳрида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатлараро ҳамкорликда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Яқинда бўлиб ўтган Стратегик ҳамкорлик кенгаши йиғилишининг натижалари икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани таъкидланди.

Ишлаб чиқилган "йўл хариталари" асосида кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

ЎзА.

Сенат кўмитасида БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси, Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси ҳамда Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2025 йилдаги фаолияти ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмени)нинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари томонидан риоя этилиши ҳақидаги маърузалари муҳокама марказида бўлди.

Сенаторлар ижтимоий-иқтисодий масалалар йўналишида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Омбудсманнинг давлат органлари ва ташкилотларига, уларнинг мансабдор шахсларига юборган ариза ва даъво аризалари, тақ-

димномалари ҳамда тавсиявий хусусиятга эга ҳулосаларининг ижросини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, 2025 йилда Омбудсман номига келиб тушган жами мурожаатларнинг 7 558 таси иқтисодий, 6 729 таси ижтимоий, 4 255 таси шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, 2 841 таси сиёсий, 1 257 таси бола ҳуқуқлари, 284 таси экологик ҳамда 725 таси бошқа йўналишларга тўғри келади.

Мажлисида Болалар омбудсманининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан риоя этилиши ҳолати ҳақидаги маърузаси ҳам кўриб чиқилди.

Депутатлар — ҳудудларда ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ВА САМАРАЛИ ЕЧИМЛАР

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўз сайлов округларида бўлиб, фуқаролар билан самимий суҳбат қилмоқда. Қонунчилик палатасининг фаолияти, хусусан, қонун ижодкорлиги йўналишида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳам сайловчиларга хабар берилиб, айни вақтда қабул қилинаётган қонун лойиҳаларига уларнинг таклифлари ва фикрлари ўрганилмоқда.

Дахлдорлик ҳисси ва масъулият

Мамлакатимизда ёшлар сиёсати янги босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг 24 февраль куни ёшлар билан ўтказган очиқ мулоқоти бу борадаги устувор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, ҳафтанинг ҳар пайшанбаси "Ёшлар куни" деб эълон қилинган эртаимиз эгаларига бўлган эътиборнинг яққол намунаси.

Ушбу ташаббуслар ижросини таъминлаш ва ёшларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси депутати Гулнораҳон Абдувоҳидова Андижон шаҳридаги қатор ўқув масканлари ва маҳалларда бўлди.

Халқ вакили Андижон шаҳридаги 3-техникум ўқувчилари билан учрашиб, уларга яратилган имкониятларни кўздан кечириди. Мулоқот давомида депутат ёшларни касбга тайёрлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхтади.

— Ёшлар масаласи доимий диққат марказимизда. Президентимиз томонидан белгилаб берилган янги вазифалар зиммамиздаги масъулиятни икки ҳисса оширди.

СУРХОНДАРЁ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

Мақтабда бугун 500 дан зиёд ўқувчи таълим олмақда. Ногиронлиги бор болаларни замонавий стандартлар асосида ўқитиш учун алоҳида ёндашувлар жорий этилган, 50 га яқин махсус мутахассис ва педагоглар фаолият юритмоқда. Мақтаб ҳовлиси, йўлаклар, ўқув хоналари, овқатланиш хонаси, спорт зали ҳамда муолажа хонаси зарур шароитлар билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари мақтабда яратилган шароитлар билан танишар экан, сунъий интеллект, рақамлаштириш билан боғлиқ йўналишларнинг бугунги ёшлар ҳаёти, келажаги учун нақадар муҳимлигига эътибор қаратди.

— Сунъий интеллектга ўқитиш дастурларини бежиз мақтаблар таълимга жорий этмаяптиз, ўқувчилар олий таълим муассасалари, меҳнат бозори ва келажақ касбларига тайёр бўлиб боришларини истаймиз, — деди Президент.

Шундан сўнг Президентимиз масъулият ҳорижий тиллар ва ахборот технологиялари ўқув марказини кўздан кечирди.

6,5 миллиард сўм ҳисобига барпо этилган 400 ўринли мажмуа йилга 2 мингдан ортиқ ёшга таълим олиш ва лойиҳалар устида ишлаш имкониятини беради. Бу ерда 200 нафарга яқин ўқувчи компьютер саводхонлиги ва front-end йўналишларини муваффақиятли яқунлаб, сертификат олган. 150 нафарга яқин ўқувчи IELTS имтиҳонларида B2 ва ундан юқори натижаларни қайд этган. Марказда 20 га яқин мутахассис фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари ёшларни илмга йўналтириш, жумладан, хорижий тилларни ўргатишга қаратилган бундай мажмуалар аҳамиятига алоҳида тўхтади.

— Бугун бундай марказларнинг келажақ интилишларини қўллаб-қувватлашимиз, керак бўлса, уларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, хорижий ҳамкорлар билан боғлашимиз лозим. Шундагина ота-оналар фарзандларини ишонч билан мана шундай марказларда ўқитади, — деди Президент.

Кўкларм яқинлаштириш билан худудларда баҳорий байрам сайилларини уюштириш анъанага айланган. Президентимиз масъулият сумаляк сайлида иштирок этиб, аҳоли билан бирга шодиёна кайфиятда бўлди, бу ерда истиқомат қилаётган инсонларнинг самимий фикрларига қўлоқ тутди.

— Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонга ҳурмат билан қарамоқда, халқимиз учун яратилаётган шароитларни кўриб, ислохотларнинг самарасига гувоҳ бўлмоқда. "Янги Ўзбекистон" массивлари ҳам одамларимиз фаровон ҳаёт кечирди, шинам уйларда яшаш учун барпо этиляпти. Мен доим "таълим-таълим" деб бежиз айтмапман. Билимимиз, мана шундай бунёдкорона меҳнатимиз билан юртимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириб, дунёда муносиб ўрин эгаллашимиз. Сурхондарёнинг эли меҳнатқаш, тиланти, бу ерда ҳали кўп янгиликларни амалга оширамиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятида ишлаб чиқарилаётган

маҳсулотлар кўрғазмаси ҳамда хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар тақдироти билан ҳам танишди.

Сўнгги йилларда вилоятда тадбиркорлик жадал ривожланиб, инвесторларнинг худудга қизиқиши тобора ортмоқда.

Ўтган йили вилоят ялпи худудий маҳсулот ҳажми 63,7 триллион сўмга етди. Йирик саноат корхоналари қарийб 30 тага, кичик корхоналар 4 минг 820 тага етказилиб, 18,8 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 2,1 миллиард доллар қийматидаги хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Дунёнинг 37 давлатига 483 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинган лойиҳалар вилоят иқтисодиётининг турли тармоқларини қамраб олган. Уй-жой қурилиши, тоғ-кон саноати ва геология, энгил саноат, озиқ-овқат, энергетика, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, таълим, хизмат кўрсатиш ҳамда туризм соҳаларида янги қувватларни шуга тушириш назарда тутилган.

Умумий қиймати қарийб 1,6 миллиард доллар бўлган лойиҳалар Россия, Хитой, Туркия, Покистон, Япония, Германия, Ҳиндистон, Мўғлистон билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари инвесторлар билан суҳбатлашди.

Шундан сўнг жамоатчилик вакиллари иштирокида Сурхондарё вилоятида умумий қиймати 7,1 миллиард доллар бўлган 44 та лойиҳани

ишга тушириш ва бошлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, тоғ-кон саноати, геология, энгил саноат, мелиорация, озиқ-овқат, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида янги лойиҳаларнинг қурилиши ва фаолиятини бошлаб берди.

Жумладан, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Тожикистон ва маҳаллий инвесторлар иштирокида 741 миллион долларлик 13 та лойиҳа ишга туширилди.

Шунингдек, Австрия, Германия, Нидерландия, Хитой, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амириклари, Россия ва Афғонистон давлатлари билан ҳамкорликда 6 миллиард 300 миллион долларлик 31 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари бошланди.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига 18 мингта янги иш ўрни яратилиши, 82 триллион сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида 1 миллиард 400 миллион долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида ҳарбий қисмда ҳам бўлди.

Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар қўшинларнинг жанговар салоҳияти ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада юксалтиришда муҳим омилга айланмоқда.

Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарли-

гини ошириш учун барча шароит яратилган. Ўқув бинолари, ошхона, ётоқхона, маънавият ва маърифат хоналари, спорт шаҳарчаси энг замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган.

Ҳозирги кунда турли минтақавий можароларда сунъий интеллект, робот, ракета, дрон ва уларга қарши воситалар кенг қўлланоқда. Шундан келиб чиқиб, Олий Бош Қўмондон томонидан қўшинларда дронлар ва уларга қарши курашиш, сунъий интеллект билан ишлайдиган кибертузилмалар, роботлашган техникаларни қўллаш ва ҳаво ҳужумидан мудофаа бўйича янги бўлинмаларни ташкил этиш вазифаси қўйилган эди.

Бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда, миллий армиямиз замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни, шу жумладан, замонавий ҳаво ҳужумидан мудофаа комплексларини кўздан кечирди.

Миллий армиямизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда замонавий қуролли можаролар, хавфсизлигимизга мавжуд таҳдидлар ва ҳарбий ҳаракатлар театри хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланди.

Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибининг шайлигини юксалтириш юзасидан белгиланган вазифалар ижросини изчил давом эттириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида барпо этилган этношаҳарчага ташриф буюрди.

Ушбу лойиҳа Сурхондарё тарихий, хунармандчилиги ва анъанавий санъати намуналарини намойён этиш учун замонавий инфратузилмага эга янги маданий маскан сифатида яратилди.

Мажмуа 10 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан барпо этилди. Олти гектар майдонда тарихий қиёфадаги бинолар, оилавий меҳмон уйи, дўмбира устaxonаси, бахшичилик экспозицияси, миллий таомлар ресторани, болалар учун ўйин майдончаси ҳамда музикавий фавворалар қад ростлаган.

Шаҳарча йилга 180 минг нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга, бу ерда 250 нафар одамга доимий иш ўринлари яратилди. Меҳмонлар нафақат таълим ва маданият маҳсулотларини харид қилишлари, балки уларнинг ишини кузатишлари ҳам мумкин.

Президентимиз туризм масканларида яратилган шароитлар билан танишди, хунармандлар билан мулоқот қилиб, ташриф буюрувчилар учун ташкил этилган бадиий дастурни томоша қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Холмўмин МАМАТРАЙМОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Муносабат

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ СТРАТЕГИК ТАЯНЧИ

Бугунги глобализация шароитида ҳар бир давлатнинг рақобатбардошлиги, аввало, ундаги таълим сифати ва ёшлар салоҳияти билан белгиланади. Шу маънода, Президентимиз томонидан ҳар бир вазир, ҳоким, олийгоҳ ректори, техникум ва мактаб директори зиммасига юкланган вазифалар таълим тизими олдида мулақо янги масъулиятни қўймоқда. Эндиликда таълим масканлари фақат билим берувчи эмас, балки ёшларни ҳаётга тайёрлайдиган, уларнинг касбий, ижтимоий ва маънавий қамолотини таъминлайдиган стратегик муассаса сифатида фаолият юритиши лозим.

Кўксарой қароргоҳида ёшлар билан ўтказилган навбатдаги мулоқот ҳам юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини яна бир бор аниқ ва равшан намойён этди. Давлатимиз раҳбари ёшларнинг тил ўрганиши, касб-хунар эгаллиши, спорт билан шуғулланиши, гоё ва стартапларини рўёбга чиқариши учун барча раҳбарлар масъул эканини алоҳида таъкидлагани таълим тизими фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир раҳбарнинг шахсий масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш зарурлигини билдиради.

Эндиликда таълим муассасалари фаолияти ёшларнинг реал ҳаётини эҳтиёжлари — меҳнат бозорига рақобатбардош бўлиш, хорижий тилларни эгаллаши, соғлом турмуш тарзига амал қилиши ва инновацион тафаккур асосида ташаббус кўрсатиши билан бевосита боғлаб баҳоланади. Бу эса таълимни фақат назарий билим берувчи тизимдан амалий натижа келтирувчи ижтимоий институт даражасига кўтаришни талаб этади.

Шу билан бирга, бундан буён раҳбар ёшлар билан ишлашда фақат топшириқ бажарувчи ижроси эмас, балки жараённи бошқарувчи, имконият яратувчи ва натижа учун жавобгар шахс сифатида майдонга чиқиши лозим. Раҳбарлардан ташаббус кўрсатиш, инновацион фикрлаш, худудий ва институционал имкониятларни сафарбар қила олиш талаб этилади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу ёндашу ёшлар масаласини яна бир қарра давлат сиёсатининг марказига олиб чиқиш билан бирга, раҳбарлик масъулиятини шахсий, аниқ ва натижадор мажбурият даражасига кўтармоқда. Бу эса таълим тизими олдида нафақат имконият, балки тарихий масъулиятни ҳам юзага келтиради.

Сўнгги йилларда ёшларимиз эришаётган ютуқлар таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарасини яққол кўрсатиб бермоқда. Жаҳон фан олимпиадаларида кўлга киритилган шоша-шоша медаллар — бу тизимли ёндашу ва изчил сиёсат натижасидир. Ушбу кўрсаткичлар таълим тизими олдида қўйилган вазифалар тўғриси танланганини ва уларнинг ҳаётга таъбиқ қилиниши билан бераётганини тасдиқлайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ёшлар яратган 63 та стартап лойиҳани ривожланган давлатлар бозорига кириб бориши таълимнинг янги босқичга кўтарилишидан далолат. Бугунги кунда таълим сифати фақат ўқув режалари билан эмас, балки ёшларнинг реал иқтисодий муҳитда ўз ўрнини топа олиши билан баҳоланоқда. Шу боис тизим ёшларни фақат билимли эмас, балки ташаббускор, инновацион фикрловчи ва

иқтисодий жиҳатдан мустақил шахс сифатида шакллантиришга хизмат қилиши зарур.

Ҳар йили 600 минг нафар йигит-қизнинг меҳнат бозорига кириб келаётгани, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етиши ҳақидаги маълумот мамлакат иқтисодий ва ижтимоий сиёсати олдида турган муҳим чақирқилардан биридир. Мазкур рақамлар ёшларга оид масала эндиликда фақат ижтимоий ҳимоя ёки таълим доирасида эмас, балки макроеқтисодий барқарорлик, бандлик ва ижтимоий тотувлик масаласи сифатида кўрилаётганини ҳам аниқлатади. Шундай шароитда ёшларнинг ўзига мос иш топиши учун имкон яратиш энг муҳим вазифа сифатида қайд этилиши давлат сиёсатининг реал демография тенденцияларга мослашаётганидан далолат беради. Ёшлар тадбиркорлиги учун қўшимча 200 млн. доллар ажратилиши эса давлатнинг йигит-қизлар бандлиги масаласига вақтинчалик кампания эмас, балки узоқ муддатли стратегик сиёсат сифатида ёндашаётганини аниқлатади, ёш тадбиркорлар лойиҳалари учун кредит лимитининг 10 млрд. сўмгача кенгайтирилиши давлатнинг ёшлар бизнесига бўлган ишончини кучайтириши кўрсатади. Бу маблағлар келгусида юз минглаб ўғил-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, норасий бандликни қисқартириш ва янги иш ўринлари яратишда муҳим молиявий асос бўлиб майдонга чиқади.

Келажақ авлодларга нисбатан бундай ёндашу уларни фақат бошланғич босқичда эмас, балки кенгайтиш ва ривожланиш даврида ҳам қўллаб-қувватлаш таъминлиги асосланган.

Эртани эгаларининг нафақат ички бозорда, балки халқаро майдонда ҳам рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар яратиш имконига эга бўлиши учун инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция киритишга рўхсат берилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу қарор таълим, фан ва бизнес интеграциясини кучайтириб, уларнинг илмий гоаярини бозорга йўналтиришга хизмат қилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда "Менинг биринчи касбим" дастурининг амалиёт-

Энг муҳими, ушбу ташаббуслар раҳбарларнинг шахсий масъулияти, ташаббускорлиги ва натижадорлигини ошириши талаб қилмоқда. Эндиликда ёшлар билан ишлаш алоҳида йўналиш эмас, балки ҳар бир раҳбар фаолиятининг асосий мезонига айланади. Бу эса давлат бошқарувчида масъулият, очкилик ва самарадорлик таъминлигини янада мустаҳкамлайди.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГАН ЁШЛАР БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан учрашуви навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга кенг имкониятлар яратишда долзарб ҳаётини аҳамиятга эга бўлди. Ёшларни тил ва замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларни спортга кенг жалб этиш, инновацион гоё ва стартапларни қўллаб-қувватлаш, бандлик ва даромад масалаларини ҳал этиш бўйича белгиланган устувор вазифалар ишончли ижтимоий давлат қуриш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Партиямиз нуқтаи назаридан, ёшларга қаратилган ҳар бир инвестиция — ижтимоий барқарорликка, иқтисодий ўсишга ва сиёсий барқарорликка қаратилган инвестициядир.

Мулоқотда Президент томонидан илгари сурилган "Бирорта йигит-қизни эътиборсиз қолдирмаслик" ҳақидаги қатъий талаб ижтимоий адолат таъминининг амалий ифодаси бўлди.

Мулоқотда ёшларга оид ҳар бир масала атрофида қамраб олинди. Билдирилган ташаббусларнинг аниқ механизми ва чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилди. Жумладан, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларини таълим ва касб-хунар билан қамраб олиш борасида ҳаётини зарур ташаббус илгари сурилди. Бунда жойларда эҳтиёжманд оилалардаги ўсимчиларни бепул ўқитадиган ўқув марказларига қўшимча имтиёзлар берилиши белгиланди. Яъни улар ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади, коммунал харажатларининг яри ми қоплаб берилади, ўқитувчиларга тулган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ "кешбек"

тариқасида қайтарилди.

Шунингдек, техникумларнинг таълим дастурларини иш берувчилар талаби асосида янгилаш, дуал таълимнинг камиллигини амалий ифодаси бўлди. Мулоқотда Президент томонидан илгари сурилган "Бирорта йигит-қизни эътиборсиз қолдирмаслик" ҳақидаги қатъий талаб ижтимоий адолат таъминининг амалий ифодаси бўлди.

Жорий йилдан техникум ўқувчиларини учун ҳам "Ишла ва саҳнат қил (Work and travel)" дастури асосида 6 ой хорижда ишлаб, қўшимча даромад топиш имконияти яратилади, иштирокчиларга йўлқира харажатлари учун ссуда ажратилади. Техникум ўқувчиларининг мазкур дастури орқали хорижий таълим билан танишиши ҳамда касбий барқарор бўлишида катта аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГЛОБАЛ ОВОЗИ

Президентимизнинг Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган ёшлар билан учрашуви нафақат йигит-қизларига бўлган юксак эътибор ва ишончининг амалий ифодаси, балки юртимизда улар масаласи устувор йўналиш эканини яна бир яққол тасдиғи бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз нуқтида мамлакатимиздаги 22 миллиондан зиёд ёшлар улкан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч эканини алоҳида таъкидлади. Бу эътироф навқирон авлоднинг бугунги ва эртасига бўлган ишонч, уларга юкланётган вазифалар нақадар масъулиятли эканини аниқлатади.

Учрашувда эълон қилинган муҳим ташаббус — бу йил Тошкент шаҳрида Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи ташкил этилиши. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг тинчликпарвар, очик ва конструктив ташқи сиёсатини ёшлар дипломатияси орқали мустаҳкамлашга хизмат қилади.

муҳим воқеа бўлади.

Мазкур конференциянинг аҳамияти бир неча жиҳатда намойён бўлади. Аввало, Самарқанд — Шарк ва ўрбни боғлаган, мулоқот ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган шаҳар сифатида Ёшлар парламенти ўртасидаги глобал ҳамкорлик учун рамзий макондир. Конференция орқали Ўзбекистон Ёшлар парламенти халқаро майдонда ўз таърибисини намойён этиш, бошқа мамлакатлар ёш қўнчилари билан илғор амалиёт алмаштириш имконига эга бўлади. Қолаверса, бу тадбир ёшларнинг сиёсий фаоллиги, парламент маданияти ва қўнчиллик жараёнидаги иштирокини кучайтиришга хизмат қилади.

Самарқандда "Take Off" халқаро стартап саммити ҳамда 46-Бутувжаҳон шахмат олимпиадасининг ўтказилиши эса ёшлар учун инновация, интеллект ва рақобат муҳитини янада кенгайтиради. Бу тадбирлар Ўзбекистонни нафақат мин-

тақавий, балки глобал ёшлар марказига айлантириш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Учрашувда таълим, хорижий тилларни ўрганиш, волонтерлик, китобхонлик маданияти, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби масалаларга ҳам кенг эътибор қаратилди. Бу эса давлат сиёсатининг ёшлар ҳаётининг барча жаҳалларини қамраб олаётганини кўрсатади. Айниқса, волонтерлик ҳаракатини институционал қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаолликни баҳолаш тизимининг жорий этилиши уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Бугун Ўзбекистон ёшлари мамлакатнинг тақдирини ва тараққиётини белгиловчи асосий ҳаракатлантурувчи куч сифатида майдонга чиқмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ишонч ва эътибор биз, Ёшлар парламенти аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Тенгдошларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг овозини қўнчиллик ва жамоатчилик муҳоказаларига олиб чиқиш орқали Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур.

Дилмурод ДИЛМҲРОДОВ,
Олий Мажлис Қўнчилиги палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти қўмитаси раиси.



БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили фаолияти доирасида болалар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш ишлари давом этгани, ҳисобот йилида соҳада қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани айтилди. Унинг номига келиб тушган мурожаатлар сони ҳам сезиларли ошган. Йўланган мурожаатларнинг 509 таси (26,3 фоизи) ижобий ҳал этилган, 708 таси (36,6 фоизи) бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган ва 573 таси (29,6 фоизи) тегишлилиги бўйича юборилган. Сенаторлар Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг таъсир чораларини кўллаш самарадорлигини ошириш, мурожаатлар билан ишлаш сифатини яхшилаш, назорат ва ижро интизомини мустаҳкамлашга доир ўз тавсияларини билдирди. Муҳокама якунида кўмиталар мазкур маърузаларни Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритиш ҳақида кўшма қарор қабул қилди.

«Халқ сўзи».

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ БАНКРОТЛИК БЎЙИЧА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг парламентларо мулоқотлар доирасида хорижий мамлакатлардаги ҳамкасблари билан мунтазам алоқада бўлиб туриши анъана тусига кирган. Шу маънода, кеча Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси раиси Эркин Гадов МДХ Парламентларо Ассамблеяси доирасида "Трансчегаравий ночорлик ва банкротлик тўғрисида"ги модель қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ мажлисида онлайн қатнашди.

Онлайн мулоқот

Лойиҳанинг мазмун-моҳияти, уни ишлаб чиқишда халқро тажрибани инobatга олиш масалалари ҳамда илгари ўтказилган муҳокамалар натижалари кўриб чиқилди. Шунингдек, трансчегаравий банкротлик амалиётига асосланган таклифлар тақдим этилиб, лойиҳа юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, лойиҳа халқро ҳуқуқий ёндашувларга таянган ҳолда трансчегаравий банкротлик жараёнларида самарали координацияни таъминлаш, активларни адолатли тақсимлаш ҳамда инвесторлар ва кредиторлар манфаатларининг ишончли ҳимоясига қаратилган.

Муҳокама якунида қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТАЛАБАЛАР ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШДИ

Кеча Халқро Нордик университети талабалари Олий Мажлис Сенати фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

Сенат ва ёшлар

Дастлаб талабаларга Сенатнинг конституциявий ваколатлари, қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўрни ҳамда ҳудудлар манфаатларини ифода этиш борасидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Учрашув давомида талабалар Сенат кўмиталари фаолияти, ялпи мажлисларни ўтказиш тартиби, қонунларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш жараёнлари билан ҳам яқиндан танишди. Шунингдек, уларга парламент назорати, халқро ҳамкорлик ва ҳудудлар ривожига оид масалаларни кўриб чиқиш механизмлари юзасидан тушунтиришлар берилди.

Мулоқот жараёнида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олди.

«Халқ сўзи».



ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ВА САМАРАЛИ ЕЧИМЛАР

Ёшларга кўрсатилаётган эътибор — эртанги юксалишнинг кафолати. Бу жараёнга юзаси эмас, балки ҳар бир йилги-қизининг тақдирига дахлдорлик ҳисси билан ёндашишимиз шарт, — деди депутат.

Халқ вакили, шунингдек, ўз ўрганишларини шаҳардаги "Пистамозор", "Урикзор" ва "Ўзбекистон 20 йиллиги" маҳалла фуқаролар йиғинларида давом эттирди. Ташриф давомида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижроси таҳлил қилинди.

Фуқаролар йиғинидаги "еттилик" тизими билан кечган суҳбатда маҳаллабўй ишлаш, аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорликнинг ўрни бекиёс. Депутат ҳудуддаги ташаббускор тадбиркорлар фаолияти билан танишиб, уларнинг лойиҳаларини кўздан кечирди. Мулоқот давомида имтиёзли кредит маблағларидан оқилона фойдаланиш, янги иш ўрниларини яратиш ва бизнесни кенгайтириш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Талаба ёшлар билан учрашув

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Хайрулло Ҳафизов ва Гулчехра Тожибоева иштирокида Наманган давлат техника университетига талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

Депутатлар Президентимизнинг ёшлар билан мулоқотида билдирилган муҳим фикрларга тўхталиб, юртимизда нақвирон авлод вакилларига давлат сибёсати даражасида эътибор қаратилаётганини, уларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ёшларнинг билим олиши, касб эгаллаши, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида сўз юритилиб, бу ислохотлар Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам пойдевори экани қайд этилди.

Шунингдек, халқ вакиллари ёшларни фаолликка, ташаббускорликка ва ўз устиди таълим олишга ҳаққдор қилишга қаратилган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Университет талабалари таълим сифати, бандлик, тадбиркорлик ва ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар юзасидан ҳаётий мисоллар орқали ўз мулоҳазаларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Сенатор сўрови

БОЗОР ФАОЛИЯТИДАГИ МУАММОЛАР САБАБИ НИМАДА?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига Хўжайли тумани деҳқон бозори фаолиятида қатор муаммолар сақланиб қолаётгани юзасидан сенатор сўрови юборди.

Унда, жумладан, бозорда сотувчи ва харидорлар учун зарур инфратузилма етарли даражада шаклланимагани, санитария-гигиена талабларига риоя этилмаётгани, савдо фаолияти тўлиқ тартибга солилмагани ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф қилиш юзасидан етар-

ли даражада чоралар кўрилмаётгани таъкидланган. Мазкур масала юзасидан парламент назорати тартибидеги Вазирлар Кенгаши Раисидан бозорда қандай таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилгани, савдо қоидаларига қай даражада риоя этилаётгани, жамоат тартиби ва ёнгин хавфсизлиги таъминоти, санитария-гигиена талаблари қай

йўсинда бажарилаётгани хусусида аниқ маълумот бериш сўралган.

Шунингдек, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бозорни янада ривожлантириш учун келгусида қандай режалар борлиги юзасидан ҳам тушунтириш олиш назарда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси — улкан табиий бойликлар, кенг ҳудуд ва стратегик имкониятларни ўзида муҷассам этган ўлка. Марказий Осиёнинг юрағида жойлашган ушбу ҳудуд сўнгги йилларда саноат, энергетика ва инфратузилма йўналишларидаги йирик лойиҳалар ҳисобидан янги иқтисодий босқичга кўтарилмоқда. Нукус, Тахياتшо ва Хўжайли каби ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширмоқда.

— Агар кимдир бунга шубҳа қилса, марҳамат. Мўйноқни келиб кўрсин, — дейди Мўйноқ тумани ҳокимининг ўринбосари Мурат Жумабаев. — Бир вақтлар дунё харитасида экологик фоҳиша рамзи сифатида тилга олинган ушбу ҳудуд бугун мулақо аниги қиёфада намоён бўлмоқда. Олис овуллардаги кенг ва раван йўللари, янги уйлар, қурилаётган объектларнинг барчаси Мўйноқда бошланган янгиланишлар самарасидир. Бу борадаги ишлар тизимли давом эттирилиши учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2026 йилнинг 20 февралда АҚШнинг Вашингтон шаҳрига ташрифдан сўнг Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли билан батафсил танишди ва устувор вазифаларни белгилаб берди.

— Айна шу эътибор минтақанинг барқарор ривожлантиришга қаратилган муҳим қадам бўлди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратова. — Бу ўзгаришлар тасодиф эмас. Шу йиллар давомида ҳудудда саноат, хизматлар, энергетика, туризм ва рақамли технологиялар соҳасида йирик лойиҳалар амалга оширилди. Янги саноат корхоналари, IT парклари ва энергетика қувватлари ишга туширилиб, иқтисодий ўсишнинг асосий драйверига айланди. Энг муҳими, бу янгиланишлар одамлар ҳаётида сезилаяпти. Иш ўринлари кўпайди, даромад манбалари кенгайди, ёшлар ўз келажагини шу ернинг ўзида кўра бошладди.

Ҳар бир оила ҳаётида сезилган ўзгариш

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги "Қорақалпоғистонда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шаҳар ва туманларда жами 21 мингдан ортиқ

уйларнинг томи таъмирланиши, 709 та авария ҳолатдаги уйларнинг янгидан қурилиши белгиланган эди. Бугунги кунда 17 мингдан ортиқ уйлар таъмирланди, 326 та тураржой қад ростлади. Маҳаллаларда йўллар таъмирланди, муҳандислик тармоқлари яхшиланди, ичимлик суви ва электр таъминоти бартарафланди. Илгари бир муаммо билан йиллаб юрган одамлар бугун унинг ечими борлигини кўряпти. Энг муҳими, бу ўзгаришлар фақат марказда эмас, чекка қишлоқларда ҳам амалга оширилмоқда.

— Ҳудудимизда "Kungrad Salt Free Zone" санаот зонаси ташкил этилгани тарихий воқеа бўлди, — дейди Кўнғирот тумани ҳокимлиги масъул ходими Айдош Нурдаветов. — Бу ерда кўшимча инфратузилма қуриш орқали тузни қайта ишлаш лойиҳаси йўлга қўйилмоқда. Жорий йилда камида 50 млн. долларлик инвестиция ўзлаштирилиши, жаҳон бозоридидаги йирик инвесторлар жалб қилиниши ва янги экспорт бозорлари очилиши кўзда тутилган. 2026 — 2030 йилларда жами 200 млн. долларлик сармоялар ҳисобига ҳудуд саноати ва инфратузилмасини янада ривожлантириш режалаштирилган.

Статистик кўрсаткичлар ҳам бу ўзгаришларни яққол тасдиқлайди. 2016 йилда 8,5 трлн. сўм бўлган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳозирда 54,3 трлн. сўмга етди. Хизматлар соҳасида ҳам барқарор ўсиш кузатилмоқда, ҳажми 35 трлн. сўмдан ошиб, ҳар бир маҳалла ва шаҳар ҳаётида янгиланишларга сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Биргина ўтган йилда 177 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланди, 83 минг нафар фуқаро эса камбағалликдан чиқарилди. Бу

кўрсаткичлар нафақат иқтисодий ўсишнинг самараси, балки ҳар бир оиладаги сезиларли ўзгаришларнинг ҳисобидир.

Тўфонни тўсган «яшил қалқон»

— Орол билан боғлиқ экологик ўзгаришлар ҳам ҳудуддаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим қисмига айланди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Экология кўмитаси раисининг ўринбосари Жубат Қушбанов. — Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳудуддаги экологик вазиятни босқичма-босқич яхшиламоқда. Қуриб қолган денгиз тубида миллионлаб гектар яшил майдонлар барпо этилиши нафақат табиатни тиклаш, балки янги иқтисодий имкониятлар ва иш

ларини жорий этиш ва доривор ўсимликлар етиштиришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Чорвачилик ва яллов хўжалигини ривожлантириш, озуқа ишлаб чиқариш ва агросаноат мажмуаларини ташкил этиш ҳам устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Қорақалпоғистоннинг келгуси беш йиллик ривожланиш параметрлари аниқ белгилангани ҳудудлар ривожини янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот 102 трлн. сўмдан зиёдага етказилиши режалаштирилган. Саноат ва хизматлар соҳасида эса 7 млрд. доллардан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиши белгиланди. Шу билан бирга, экспортни 900 млн. долларга етказиш, ишсизликни 4,2 фоизгача ва камбағалликни 3,2 фоизгача камайтириш вазифаси қўйилди. Аини пайтда шаҳар ва туманларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришга қаратилган манзилли чоралар ишлаб чиқилмоқда. Келгуси йилларда ҳудудга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини 2,5 баробар ошириш мақсад қилинган. Иқтисодий ривожланишни диверсификация қилиш учун сунъий интеллект маркази, автомобиль бултовчи қисмлар кластери, ба-



залт толаси ишлаб чиқариш, чиқиндиларни қайта ишлаш каби йирик лойиҳалар йўлга қўйилмоқда. — Инновацияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Қорақалпоғистонда IT университети, стартап технопарк ва интеллектуал марказлар ташкил этилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Мақтабгача ва мактаб таълими вазирининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи Бегдир Телуов. — Бу марказлар ёшларимизни маҳаллий саноат, агро-технологияларда фаол иштирок этишда ўз иқтидорини амалий синовдан ўтказишга ундайди. Мақталарда IT ва компьютер технологияларини ўрганиш имкониятлари кенгаймоқда: "Smart Class" синфлари ва рақамли муҳитдаги машғулотлар ўқувчиларни сунъий интеллект, дастурлаш ва замонавий технологиялардан фойдаланишга ўргатади. Уларни жамият ва иқтисодий тараққиётнинг фаол иштирокчиларига айлантиради.

Янги лойиҳалар янги марраларга бошлайди

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга оид алоҳида фармон ва қарорлари қабул қилингани ҳамда ҳудудни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган кўп қўламли ислохотлар Оролбўйи аҳолисининг эртанги кунга ишончини янада оширмоқда.

Қорақалпоғистоннинг транспорт-логистика салоҳиятини ошириш мақсадида Кўнғиротда халқро стандартларга жавоб берадиган "қуруқ порт" ташкил этиш вазифаси қўйилган. Ичимлик суви таъминоти, йўл қурилиши ва коммунал инфратузилмани яхшилашга катта маблағлар йўналтирилган.

Бу янгиланишлар мард ва бунёдкор элнинг турмуш даражасини яхшилаб, барқарор иқтисодий ўсишига мустаҳкам замин яратади.

Ғайрат ОТАЖОНОВ («Халқ сўзи»).

Жорий йил якунига қадар 614 та юк ва 25 та йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилади.

ЁШЛАР СИЁСАТИ: КЕЛАЖАКНИ БУГУНДАН ҚУРИШ СТРАТЕГИЯСИ



СПОРТ хабарлари

Дзюдо: «ХУМО АРЕНА» — КАТТА МУСОБАҚА МЕЗБОНИ

27 февраль — 1 март кунлари пойтахтимиздаги муҳташам «Хумо Арена» спорт мажмуасида бешинчи бор «OTP Group Tashkent Grand Slam — 2026» турнири бўлиб ўтади. Дзюдо бўйича «Катта дубулга» туркумига кирувчи, мукофот жамғармасы 154 000 еврони ташкил этувчи мусобақада дунёнинг кучли полвонлари голиблик учун кураш олиб боради.



Ўзбекистон дзюдо федерацияси раиси Азизжон Комилов мусобақаи ўтказишга масъул ташкилди гуруҳ аъзолари билан бирга «Хумо Арена» саройида бўлиб, тайёрларлик ишлари билан танишди. Асосий беллашув майдони, машғулот зали, техник хоналар, мажмуанинг барча инфратузилмаси кўздан кечирилди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон мезбон сифатида энг кўп — 56 нафар (ҳар бир вазнда 4 нафардан) спортчи билан иштирок этади.

Футбол: ҚИТЪА КУБОГИ БОШЛАНМОҚДА

Австралияда 1 — 21 март кунлари футбол бўйича аёллар ўртасида Осиё кубоги мусобақаси бўлиб ўтади. Мазкур қитъа биринчилигида 12 та миллий терма жамоа голиблик учун кураш олиб боради.



Улар уч гуруҳга ажратилган бўлиб, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси «В» гуруҳида ўз ўйинларини ўтказди. Литвалик Котрина Кулбете бош мураббийлигидаги вакилларимиз КХДР (3 март), Хитой (6 март) ва Бангладеш (9 март) футболчилари билан гуруҳдан чиқиш учун яшил майдонда куч синашди.

Ўзбекистон аёллар терма жамоаси сўнгги бор 2006 йилда қитъа биринчилигида қатнашган эди.

Қиличбозлик: ВАКИЛЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА СОВРИНДОР

Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида қиличбозлик бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда қатнашаётган ҳамюртларимиз совринли погоналардан жой олаётди.



Хусусан, ёшлар ўртасидаги яқкалик сабля баҳсларида яримфиналгача етиб борган Ўзбекистон кизлар терма жамоаси аъзолари — Аякўз Жумамуратова ҳамда Фернанда Эррера бронза медалларини қўлга киритди.

Игитлар ўртасида кечган сабля баҳсларида ҳам Алпамис Уракбаев кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Артур Бегжанов бронза медалга сазовор бўлди.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Ёш тафаккур эгалари уйғонса, миллат янада юксалади. Ёшлар — иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, интеллектуал модернизациянинг бош драйверлари. Кунги кеча Кўксаройда ўтказилган мулоқотдан бутун халқимиз, илм-фан ахли, барча зиёлилар, айниқса, ёшларимиз унутилмас таассуротлар олди ва амалий хулосалар чиқарди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан учрашуви том маънода мамлакат келажаги билан юзма-юз сўхбат бўлди. 60 мингдан ортиқ йигит-қизлар студиялар орқали иштирок этган ушбу анжуман Янги Ўзбекистоннинг демографик, иқтисодий ва маънавий стратегиясини аниқ чиқиқлар билан белгилаб берди.

Акс садо

Тарихий давомийлик ва замонавий масъулият
22 миллиондан зиёд ёшлари бор мамлакат — бу улкан имконият, айни пайтда улкан масъулият ҳамдир. Улар бугун демографик кучнага эга, стратегик капиталимиз. Навқирон авлод бизнинг улкан интеллектуал, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятимиз.

Мулоқотда тилга олингандек, ҳар йили 600 минг ёш меҳнат бозорига кириб келмоқда. 2030 йилга бориб бу рақам 1 миллионга етади. Агар бу катта энергия тўри йўналтирилса, ривожланиш янада шиддатли тус олиши аниқ. Демак, ёшлар масаласи нафақат ижтимоий, балки миллий хавфсизлик ва тараққиёт масаласидир.

Тарихий тажриба шунини кўрсатадики, ҳар қандай уйғонш даврининг лоқомоти ёш авлод бўлган. Биринчи Ренессанс — илм-фан ва тафаккур юксалиши даври. Иккинчи Ренессанс — давлат бошқаруви, маданият ва илмнинг чўққисига етиш даври. Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган айни замон юксак билим, инновация ва глобал рақобат даврига айланмоқда.

Бугунги ёшлар стартап яратмоқда, хорижий тилларни эгалламоқда, глобал университетларда таҳсил олмақда, халқаро майдонда спорт, илм-фан, инновация жаҳаларида мамлакат шашини ҳимоя қилмоқда. Улар энди истеъмолчи эмас, яратувчи авлод.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг таянч устунлари

Янги Ўзбекистон уч устунга таянган стратегик модель: очкилик ва адолат, иқтисодий модернизация ҳамда интеллектуал жамият қуриш. Бу унча йўналишда ҳам асосий ижрочи — ёшлар.

Нима учун? Чунки янги иқтисодий инновацияга таянган. Инновация эса ёш тафаккур маҳсули. Рақамли трансформация тезкорлики талаб қилади. Бу эса ёш авлоднинг табиий муҳитидир. Глобал рақобатда тил, технология ва креативлик устун. Бу сифатлар ҳам айнан йигит-қизларда муқаммас. Шу боис ёшлар ва юрт келажаги ҳар жиҳатдан узвий боғлиқдир.

Ҳаётимизда кўриб, гувоҳи бўлиб турибмизки, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёшлар учун барча имконият яратилмоқда: тадбиркорлик кредитлари, стартап инвестициялари, таълимни дуал тизимга ўтказиш, хорижий тилни қўллаб-қувватлаш, волонтерлик ва ижтимоий фаолликни рағбатлантириш, китобхонликни давлат сиёсати даражасига кўтариш.

Булар нимани аниглайди? Келажакни қуриш жараёни бугундан бошлангани, энг катта инвестиция ёшлар учун эканини.

Юрт келажаги уч омилга боғлиқ бўлиб турибди: халқимизнинг билим даражаси, иқтисодий мустакиллик ва маънавий барқарорлик. Ушбу уч омилинг марказида эса ёшлар турибди. Бугун давлат уларни қўллаб-қувватламоқда. Эртага эса улар давлатни бошқаради.

стартлап учун 100 минг долларгача инвестиция. «Келажак тадбиркори» дастури — 7 йилгача, 15 фоизли кредит. Энг яхши 1 000 лойиҳа учун 7 фоизли имтиёзли сўда. Булар фақатгина кредит линияси эмас. Бу — «Ёшлар иқтисодий суверенитети» дастуридир.

Энг муҳим жиҳат: ҳар ҳудудда «Ёшлар бизнес инкубатори» ташкил этилиши. Бу эса гоёни бизнесга айлантиришнинг тўлиқ экотизимини яратди — маркетингдан тортиб экспортгача.

Иккинчиси, навқирон авлоднинг таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиши учун имкониятларни ошириш. Бу — йигит-қизлар учун фақат диплом олиш эмас, компетенция даври.

Меҳнат бозорига кириб келаётганлар боис техникумларда дуал таълим кенгайтирилади, олийгоҳлар каби «Spin-off» очишга руҳсат берилади. Стартап лойиҳаларга 1 млрд. сўмгача маблағ ажратилади.

«Work and travel» дастури техникум ўқувчиларига ҳам татбиқ этилади. Хорижий тил сертификатига эга ёшлар қўллаб-қувватланади. Олис ҳудудлардаги тил марказларига 300 млн. сўмгача фоизсиз сўда ажратилади.

Бу ислохотлар таълимнинг «назарий жараён» дан «фоидали компетенция»га айлантиришга хизмат қилади.

Учинчиси, ижтимоий йўналишдаги таълимнинг асосий устуни бўлиши керак. Талабанинг фикрини тинглаш маданиятини шакллантириш эса улар учун муҳим шарт-шароитлар яратишда асосий йўл кўрсаткичдир.

Таълим муассасалари ички бошқарув моделини ўзгартириб, тақомиллаштириб бориш лозим.

Зеро, ёшлар ҳам қадрланган жой-жойларимизга тузилади. Ҳар йили 20 млрд. сўм ажратилади. 100 млн. сўмгача грантлар берилади. «Ижтимоий фаоллик картаси» жорий этилади.

Булар нимани аниглайди? Фаоллик энди шунчаки мақтов эмас, балки ижтимоий капиталга айланади.

Тўртинчиси, китобхонлик ва маънавий лойиҳаларини янада кенгайтириш. Бу — миллатнинг ички таянч чини мустаҳкамлаш. Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси тузилади. Ижодий бюротнома олган истеъдодли ёзувчиларга ойига 20 млн. сўмдан ҳақ тўланади, энг яхши 100 асар тўплами мактаб ва техникумларга етказилади. Энг фаол китобхонларга 10 млн. сўм мукофот берилади. «Book-safe» ва китоб дўконини оған тадбиркорларга 1 млрд. сўмгача 7 фоизли сўда ажратилади. Буларнинг бари маънавий бозор иқтисодиёти моделидир.

Бешинчиси, ҳеч бир ёшни эътибордан четда қолдирмаслик. «Иккинчи имкон» лойиҳаси жазони ижро этиш муассасаларидан қайтганларнинг кўлини қўллаб-қувватлаш механизми яратилди. Яъни, бу улар учун жазодан — жамиятга янги қадам! Лойиҳа чуқур ижтимоий ислохотлар сирасидан. Унда йигит-қизлар 8 — 12 ойлик интенсив курсларда дастурлаш, веб-дизайн, компьютер муҳандислиги, бошқа касблар ва хорижий тилларга ўқиш орқали даромадли ишга эга бўлишига шарт-шароит яратилади.

Бу — жазони эмас, имкониятни марказга қўйган ёндашув!

Таълим раҳбарлари олдидаги вазифалар: сифат, мазмун ва натижа

Бугунги кунда таълим тизими раҳбарлари маъмул эмас — келажак архитекторлари. Президентимиз томонидан ёшлар масалаларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши таълим раҳбарлари зиммасига бир неча фундаментал вазифаларни юқлайди.

Аввало, талабаларга диплом эмас, компетенция бериш. Бугунги меҳнат бозори фақатгина диплом эмас, кўникмаларни тан олади. Шу боис олийгоҳларда ўқув дастурларини реал сектор эҳтиёжига мослаштириш, иш берувчилар билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, дуал таълимни қозғода эмас, амалда ишлатиш шарт. Ўқувчилар бандлиги мониторингини йўлга қўйиш эса энг муҳим вазифалардан.

Бугун олийгоҳга неча нафар талаба қабул қилганимиз эмас, қанча битирувчи ишли бўлгани муҳимроқ.

Иккинчидан, таълимда мотивацион муҳит яратиш. Таълимга қизиқиш буйруқлар, кўрсатмалар билан шаклланди. Ҳар бир раҳбар ўқувчилар нуфузини ошириш, таълим муҳитини замонавийлаштириб, рақамлаштириб бориш, инновацион методларни жорий этишга асосий урғу қаратиши керак. Талабанинг фикрини тинглаш маданиятини шакллантириш эса улар учун муҳим шарт-шароитлар яратишда асосий йўл кўрсаткичдир.

Таълим муассасалари ички бошқарув моделини ўзгартириб, тақомиллаштириб бориш лозим.

Зеро, ёшлар ҳам қадрланган жой-жойларимизга тузилади. Ҳар йили 20 млрд. сўм ажратилади. 100 млн. сўмгача грантлар берилади. «Ижтимоий фаоллик картаси» жорий этилади.

Булар нимани аниглайди? Фаоллик энди шунчаки мақтов эмас, балки ижтимоий капиталга айланади.

Тўртинчиси, китобхонлик ва маънавий лойиҳаларини янада кенгайтириш. Бу — миллатнинг ички таянч чини мустаҳкамлаш. Китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармаси тузилади. Ижодий бюротнома олган истеъдодли ёзувчиларга ойига 20 млн. сўмдан ҳақ тўланади, энг яхши 100 асар тўплами мактаб ва техникумларга етказилади. Энг фаол китобхонларга 10 млн. сўм мукофот берилади. «Book-safe» ва китоб дўконини оған тадбиркорларга 1 млрд. сўмгача 7 фоизли сўда ажратилади. Буларнинг бари маънавий бозор иқтисодиёти моделидир.

Бешинчиси, ҳеч бир ёшни эътибордан четда қолдирмаслик. «Иккинчи имкон» лойиҳаси жазони ижро этиш муассасаларидан қайтганларнинг кўлини қўллаб-қувватлаш механизми яратилди. Яъни, бу улар учун жазодан — жамиятга янги қадам! Лойиҳа чуқур ижтимоий ислохотлар сирасидан. Унда йигит-қизлар 8 — 12 ойлик интенсив курсларда дастурлаш, веб-дизайн, компьютер муҳандислиги, бошқа касблар ва хорижий тилларга ўқиш орқали даромадли ишга эга бўлишига шарт-шароит яратилади.

Бу — жазони эмас, имкониятни марказга қўйган ёндашув!

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ, Халқаро Нордик университети ректори, профессор.

Ёшларга қарата айтишимизки, берилган бу имкониятларни ўзингиз учун юксалиш майдонига айлантирин! Давлат платформа яратмоқда. Улардан самарали фойдаланиш бугунимиз ва келажакимиз — сиз, ташаббускор, билимли ва масъулиятли ёшларнинг ўз қўлида!

қоронғу тунда оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин. Сатурн, Нептун, Венера ва Меркурий бу парадда бир-бирига жуда яқинлиги билан диққатга сазовор. Бу тўртта сайёра Кўёш боттач, унга эргашиб ботишни бошлайди ва шу боис бу тўртта сайёрани осмонда кўриш учун фарбий осмон ўқини банд билнолар тўсмайдиغان тепаликдан кузатиш лозим бўлади.

Кўпинча, айрим инсонлар сайёралар паради каби астрономик ҳодисаларни ёки бошқа осмон жисмларини инсон тақдирини ва келажаги билан боғлашга, турли фарзаларга асосланиб башоратлар қилишга уринади. Бироқ илмий нукта назардан қараганда, ҳар қандай астрономик ҳодиса, жумладан, сайёралар паради ҳам инсон ҳаёти, тақдирини ёки келажагига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди ва улар билан боғлиқ эмас.

Олимларнинг фикрига қўра, бундай ҳодисалар табиатнинг қонунини ва олдидан ҳисоблаб бўладиган жараёнлар сирасига кирди ва шунчаки ноёб ҳамда қизиқарли астрономик воқеа ҳисобланади. Шу сабабли, сайёралар парадини турли таҳмин ва хурофотларга боғлаш ўрнига, илмий жиҳатдан аниқлаб, осмон ғўзаллигини завқ олиб кузатиш мақсадга мувофиқдир.

«Халқ сўзи».

ТАДҚИҚОТ: 28 ФЕВРАЛЬ КУНИ САЙЁРАЛАР ПАРАДИ КУТИЛМОҚДА

Сайёралар паради — бу ноёб астрономик ҳодисалардан бири бўлиб, бунда икки ва ундан ортиқ сайёралар бир тўғри чиқиқда ёки бир-бирига яқин бурчак масофада жойлашади.

Астрономик ҳодиса

Бундай астрономик ҳодисани икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ — «кичик сайёралар паради», деб аталади ва унда тўрттагача сайёра қатнашади. Кичик сайёралар паради бир йилда бир марта содир бўлиши мумкин. Иккинчи гуруҳ эса «катта сайёралар паради», деб аталади. Бунда бешта ёки ундан ортиқ сайёралар бир-бирига яқин бурчак масофага келишади. Бундай ҳодиса 18 — 20 йилда бир марта содир бўлади.

Бундан ташқари, Кўёш тизимидagi саккизта сайёра иштирокидаги парад ҳам бўлиши мумкин. Бу ноёб астрономик ҳодиса 170 йилда бир марта кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хабарига қўра, шу йил 28 февраль кунини олти сайёрадан иборат парадга гувоҳ бўлишингиз мумкин. Ушбу сайёралар парадида Кўёш тизимидagi олти сайёра, яъни Меркурий, Венера, Нептун, Сатурн, Уран ва Юпитер иштирок этади.

Шу кунини кўёш ўфқга ботгандан кейин ушбу сайёралар парадини юртимизнинг барча ҳудудидан кузатиш мумкин. Бунда сайёралар осмон юзасининг чорак қисмини эгаллаб, парадда қатнашадиган сайёраларни осмоннинг жануби-ғарбий қисмидан топиш мумкин. Ва уларнинг фақат 4 тасини оддий кўз билан кўришингиз иложи бор,

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси кузурлига Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 699 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳосини келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқат мавқулини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибқолиб 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

Тожикистондаги музейда Амир Темур ҳаётига бағишланган ноёб қадимий қўлёзма сақланмоқда.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ISSN 0010-0784

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 20.40 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6